



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G ‘ I

20 21 yil “ 19 ” avgust

№ 207

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг
2021 йил 19 июлдаги 172-сонли буйруғига ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Худудларнинг тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжи асосида клиник ординатура мутахассисликлари бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлашни мувофиқлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 19 июлдаги “2021/2022 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га қабул қилиш тўғрисида”ги 172-сонли буйруғига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Фан ва таълим бошқармаси (А. Махмудов) мазкур буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига, шунингдек клиник ординатура қабул квоталари ажратилган барча тиббиёт, илмий ва олий таълим муассасаларига етказилишини таъминласин.


3. Тиббиёт олий таълим муассасалари, уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек клиник ординатура қабул квоталари ажратилган тиббиёт муассасалари раҳбарлари (қабул комиссиялари раислари) ҳамда клиник ординатура бўйича қабул комиссияси масъул котиблари мазкур ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида клиник ординатура (резидентура)га хужжат топшириш жараёнида бакалавриат таълим

йўналишлари битирувчилари, уларнинг яқин қариндошлари ва бошқа фуқароларга тўлик ва батафсил тушунтириш ишлари олиб борсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 19 июлдаги 172-сонли буйруғи 1-банди еттинчи хатбошиси ҳамда 5-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир



А. Хаджибаев

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2021 йил 19.08 даги 207 сонли буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 19 июлдаги “2021/2022 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га қабул қилиш тўғрисида”ги 172-сонли буйруғига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 19 июлдаги 172-сонли буйруғи 9-бандида:

учинчи хатбошисидаги “21 августигача” жумласи “10 сентябргача” жумласи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги “1 сентябргача” жумласи “20 сентябргача” жумласи билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги “24 августига” жумласи “10 сентябрига” жумласи билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошисидаги “4 сентябригача” сўзи “20 сентябригача” сўзи билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошисидаги “6 сентябридан” жумласи “20 сентябридан” жумласи билан алмаштирилсин.

2. Буйруқ 11-бандидаги “10 август” жумласи “1 сентябр” жумласи билан алмаштирилсин.

3. Буйруқ 12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Иктисодиёт ва молия бош бошқармаси (С. Максудов) жорий йилнинг 10 сентябрга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2021/2022 ўқув йилида клиник ординатор (резидент)ларни тайёрлаш бир йиллик ўқитиш қиймати ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.”

4. Буйруқнинг 1-иловаси билан тасдиқланган клиник ординатура (резидентура) орқали тиббиёт кадрларини 2021/2022 ўқув йилида тайёрлаш бўйича мутахассисликлари ва уларга мувофиқ келувчи бакалаврият таълим йўналишлари рўйхатига қуйидаги қўшимча киритилсин:

№	Клиник ординатура мутахассисликлари* номи	Бакалаврият таълим йўналишлари	
		шифри	номи
35.	Нейрореабилитология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Касб таълими (Даволаш иши)
36.	Аллергология ва клиник	5510100	Даволаш иши

	иммунология	5111000	Касб таълими (Даволаш иши)
37.	Гематология ва трансфузиология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Касб таълими (Даволаш иши)
38.	Пульмонология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Касб таълими (Даволаш иши)
39.	Нефрология гемодиализ билан	5510100	Даволаш иши
		5111000	Касб таълими (Даволаш иши)
40.	Болалар нефрологияси гемодиализ билан	5510200	Педиатрия иши
41.	Болалар неврологияси	5510200	Педиатрия иши

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3925-сонли қарори 6-бандига мувофиқ “Терапия” мутахассислиги учун тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари (эркин ўринлар) ҳисобидан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон, Бухоро ва Самарқанд давлат тиббиёт институтлари клиник ординатурасида 6 тадан **“Нейрореабилитология”** мутахассислиги учун қабул квоталари ажратилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги “Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3715-сонли қарори 7-бандига мувофиқ “Терапия” мутахассислиги учун тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари (эркин ўринлар) ҳисобидан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига - 10 та, Тошкент тиббиёт академиясига – 10 та, Тошкент педиатрия тиббиёт институтига – 6 та, Андижон давлат тиббиёт институтига – 3 та, Бухоро давлат тиббиёт институтига – 5 та, Самарқанд давлат тиббиёт институтига – 5 та, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтига - 5 та, Қорақалпоғистон тиббиёт институтига – 5 та **“Аллергология ва клиник иммунология”** мутахассислиги учун қабул квоталари ажратилсин.

Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология марказига “Терапия” мутахассислиги бўйича ажратилган ўринлар **“Аллергология ва клиник иммунология”** мутахассислигига ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини

ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4592-сонли қарори 2-бандига мувофиқ “Терапия” мутахассислиги учун давлат гранти ва ҳокимлик тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари (мақсадли ўринлар) ҳисобидан Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига Тошкент шаҳри учун 6 та ва Тошкент вилояти учун 6 та, жами 12 та ўрин, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига 10 та ўрин, Тошкент тиббиёт академияси Сурхондарё вилояти учун 6 та ва Жиззах вилояти учун 4 та, жами 10 та ўрин, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалига Хоразм вилояти учун 4 та ўрин, Тошкент педиатрия тиббиёт институтига Сирдарё вилояти учун 4 та ўрин, Андижон давлат тиббиёт институтига Андижон ва Наманган вилоятлари учун 2 тадан, жами 4 та ўрин, Бухоро давлат тиббиёт институтига Бухоро вилояти учун 4 та ва Навоий вилояти учун 6 та, жами 10 та ўрин, Самарқанд давлат тиббиёт институтига Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари учун 4 тадан, жами 8 та ўрин, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтига Фарғона вилояти учун 4 та ўрин, Қорақалпоғистон тиббиёт институтига Қорақалпоғистон Республикаси учун 4 та ўрин **“Гематология ва трансфузиология”** клиник ординатура мутахассислиги учун қабул квоталари ажратилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги “Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4191-сонли қарори 3-бандига мувофиқ “Терапия” мутахассислиги учун давлат гранти ва ҳокимлик тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари (мақсадли ўринлар) ҳисобидан Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт марказига кўшимча 20 та ўрин, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига 10 та ўрин, Тошкент тиббиёт академиясига 12 та ўрин, Андижон давлат тиббиёт институтига 8 та ўрин, Бухоро давлат тиббиёт институтига 6 та ўрин, Самарқанд давлат тиббиёт институтига 8 та ўрин, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтига 4 та ўрин, Қорақалпоғистон тиббиёт институтига 4 та ўрин **“Пульмонология”** мутахассислиги учун қабул квоталари ажратилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-3846-сонли қарори 5-бандига мувофиқ “Терапия” ва “Педиатрия” мутахассисликлари учун ҳокимлик тўлов контракти асосидаги (мақсадли ўринлар) ва тўлов-контракт асосидаги (эркин ўринлар) қабул квоталари ҳисобидан Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказига **“Нефрология гемодиализ билан”** мутахассислиги учун 10 та ва **“Болалар нефрологияси гемодиализ билан”** мутахассислиги учун 5 та ўрин, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига “Нефрология гемодиализ билан” ва “Болалар нефрологияси гемодиализ билан” мутахассисликлари учун 16 тадан, жами 32 та ўрин, Тошкент тиббиёт академиясига “Нефрология гемодиализ билан” мутахассислиги учун 4 та ўрин, Тошкент педиатрия тиббиёт институтига “Нефрология гемодиализ билан” мутахассислиги учун 10 та ва “Болалар нефрологияси гемодиализ билан” мутахассислиги учун 10 та ўрин, Андижон давлат тиббиёт институтига “Нефрология гемодиализ билан” мутахассислиги учун 6 та ўрин ва “Болалар нефрологияси гемодиализ билан” мутахассислиги учун 4 та ўрин, Бухоро давлат тиббиёт институтига “Нефрология гемодиализ билан” ва “Болалар нефрологияси гемодиализ билан” мутахассисликлари учун 4 тадан, жами 8 та ўрин, Самарқанд давлат тиббиёт институтига “Нефрология гемодиализ билан” мутахассислиги учун 8 та ўрин ва “Болалар нефрологияси гемодиализ билан” мутахассислиги учун 4 та ўрин, Қорақалпоғистон тиббиёт институтига “Нефрология гемодиализ билан” ва “Болалар нефрологияси гемодиализ билан” мутахассисликлари учун 4 тадан, жами 8 та ўрин қабул квоталари ажратилсин.

10. Болалар неврологлари Жамоат Бирлашмасининг муружаатига мувофиқ “Педиатрия” мутахассислиги учун тўлов-контракт асосидаги (эркин ўринлар) қабул квоталари ҳисобидан **“Болалар неврологияси”** клиник ординатура мутахассислиги бўйича Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт институтига 20 тадан, жами 40 ўрин, Тошкент педиатрия тиббиёт институти 12 та ўрин, Андижон ва Бухоро давлат тиббиёт институтларига 8 тадан, жами 16 та ўрин, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Қорақалпоғистон тиббиёт институти ва Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтларига 5 тадан, жами 20 та ўрин ажратилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 30-сонли йиғилиш баёни

132.3-бандига мувофиқ Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида “Хирургия” мутахассислиги учун тўлов-контракт асосидаги (эркин ўринлар) қабул квоталари ҳисобидан “**Болалар хирургияси**”, “**Оториноларингология**” ва “**Умумий онкология**” мутахассисликларига 2 тадан, жами 6 та ўрин қабул квоталари ажратилсин.

12. Буйруқнинг 3-илоvasи билан тасдиқланган Тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтларида 2021/2022 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура) қабули тест синовларини ташкил этиш жадвалининг тест ва имтиҳон синовлари устунида “21-31 август” жумлалари “Биринчи босқич (мутахассислик бўйича тест синовлари) - 10-15 сентябр, иккинчи босқич (ДТМ томонидан ўтказиладиган хорижий тилдан тест синовлари) – 16-20 сентябр” жумлалари билан алмаштирилсин.